

Колхоз Ва Совхозларнинг Тугатилиши-Қишлоқ Хўжалигида Ҳақиқий Ер Эгасини Вужудга Келишининг Сабабчиси

Ахмедова Умида Марипжановна¹

Республикаимизда истиклол йилларида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эришган улкан ютуқларимизнинг ҳеч бири осонликча қўлга киритилмаган. Бу муваффақиятлар замирида мамлакатимиз раҳбарияти томонидан амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислохотлар мужассам эканлигига, нафақат республикаимиз, балки дунё ҳамжамияти бунга иқдор бўлмоқда.

Истиклол йилларида мустақиллигимизнинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган энг муҳим стратегик дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани ўзининг юксак самарасини бермоқда. Буни иқтисодиётимизнинг муҳим соҳаларидан бири-қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришларда ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Маълумки, бугунги кунда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарлича таъминлаш вазифаси дунёдаги барча мамлакатларнинг асосий вазифаларидан бирига айланиб қолмоқда. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) ҳамда Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирда дунёда 800 миллиондан ортиқ киши, яъни деярли ҳар 8 одамнинг бири тўйиб овқатланмайди, дунё аҳолисининг 30 фоизидан ортиғи тўлақонли равишда овқатланмаслик, микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги муаммоси билан ҳаёт кечирмоқда.

“БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)га аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Минг йиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун бериладиган мукофотиغا сазовор бўлган 14 та давлатдан бири сифатида Ўзбекистон эътироф этилди” [1].

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (Food and Agriculture Organization, FAO) 1945 йил 16 октябрда ташкил топган. ФАОнинг фаолияти қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қўмаклашиш, овқатланишни яхшилаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини ҳал этиш йўли орқали дунёда очлик ва қашшоқлик муаммосининг кескинлигини камайтиришга йўналтирилгандир.

Жаҳон озиқ-овқат хавфсизлигида ташвишли ҳолатлар юзага келаётган бир шароитда, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатдан мунтазам ошириб бориш ва шу орқали озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда. Шу сабабли мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш бўйича бир қатор самарали ислохотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон шароитида қишлоқ хўжалигининг халқ ҳаётидаги ўрни ва роли каттадир. Маълумки, халқ ҳаётини яхшилаш, аҳоли турмуш даражасини кўтариш, иқтисодиётимиз самарадорлигини ошириш, халқимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва бошқа кўп масалалар қишлоқ хўжалиги тараққиётига боғлиқ. Ҳаммамизни боқадиган, озуқа берадиган соҳа- қишлоқ хўжалиги тармоғидир.

Мана шунинг учун ҳам Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг дастлабки босқичи қишлоқ хўжалиги соҳасини ислох қилишга қаратилди. Бунга қишлоқ хўжалиги ҳамда қишлоқ хўжалик хомашёсини қайта ишлаш билан боғлиқ тармоқларни республикаимизнинг бугунги иқтисодиётида ўйнаётган роли сабаб бўлди десак муболаға бўлмайди.

Қишлоқ хўжалиги республика саноатини хомашё билан таъминлаш, шунингдек экспорт салоҳияти ва валюта тушумининг муҳим манбаи ҳисобланади. Республика саноатининг кўпгина тармоқлари, жумладан, пахта тозалаш, тўқимачилик, енгил саноат, озиқ-овқат, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ва бошқаларни ривожлантириш истикболлари қишлоқ хўжалигига боғлиқдир. Айнан аграр сектор Ўзбекистонда иқтисодий барқарорликнинг қудратли омили ҳам ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, айниқса пахта, асосий валюта ресурси, республика учун ҳаётий муҳим бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, яъни дори-дармонлар, техника ва технология ускуналарининг импорти бўйича сотиб олишни таъминлайдиган асосий манбадир.

Ўзбекистон мустақилликка эришган даврда қишлоқ хўжалигининг аҳволи бошқача эди, яъни бошқарувда маъмурий-буйруқбозлик тизими мавжуд бўлган. Мулкчилик ва хўжалик юриштишнинг асосий шакллари колхоз ва совхозлар бўлган эди. Хўжаликларнинг ишлаб чиқариш режалари ва маҳсулотга нарх белгилаш масалалари асосан давлат томонидан олиб борилган. Бу жараёнлар иқтисодиётда бозор муносабатларига мутлақо тўғри келмас эди. Қишлоқ хўжалигида бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими ўзида бирёқлама бошқарилаётган, таназзулга учраган ва мураккаб аҳволда фаолият кўрсатаётган тармоқни қолдирди. Совет даврида республикаимизнинг асосий

¹ АҚХАИ “Гуманитар фанлар” кафедраси ўқитувчиси

ва муҳим маҳсулотларининг катта қисми, жумладан пахта толасининг 90 фоизидан ва каноп толасининг 96 фоизидан кўпроғи, қорақўл терисининг 100 фоизи, жуннинг 100 фоизи, тамакиннинг 100 фоизи Иттифоқ ҳукумати томонидан ташиб кетилган. 90-йилларгача республика қишлоқ хўжалиги аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондира олмаган. Ўзбекистон аҳолиси истеъмол қиладиган ғалланинг 70 фоизидан кўпроғи, картошканинг 50 фоизи, шакарнинг 100 фоизи, гўшт ва сутнинг 15 қисми бошқа республикалардан олиб келинар эди. Четдан ташиб келтириладиган ғалланинг ҳажми йилига ўртача 2,5-3 млн. тонна, гўшт ва гўшт маҳсулотлари 100-120 минг тонна, сут ва сут маҳсулотлари 0,6-0,8 млн тоннани ташкил қилиб, умумий истеъмол қилинадиган маҳсулотларнинг 13 қисми фақат четдан келтирилган импорт маҳсулотлар ҳисобига қопланган. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, шундай шароитда ҳам республика аҳолисининг асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, масалан гўшт, сут, тухумни истеъмол қилиш миқдори медицина томонидан белгиланган меъёرنинг 40-50 фоизини ташкил этган ҳолос.[2]

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан ўтган асрнинг 90 -йилларининг бошларида бозор ислохотларини ўтказишда ишлаб чиқилган модел бозор иқтисодиёти тамойилларини босқичма – босқич амалиётга жорий этишни кўзда тутганлиги сабабли, аграр ислохотларни ўтказишда ҳам тадрижий йўлдан бориш маъқул кўрилди. Мустақилликнинг илк йиллари, яъни 1992 йил охирига келганда, Ўзбекистонда 1100дан ортиқ “совхоз” ва 900 га яқин “колхоз” деб номланувчи хўжалик юритиш шакли бўлган.

Бизга маълумки, колхозлар ўтган асрнинг 1929 йилдан бошлаб совет ҳукумати томонидан аграр соҳани ривожлантириш мақсадида қишлоқда ёппасига жамоалаштириш сари йўл орқали тузила бошлади.[3]

Колхозларни тузишдан мақсад аграр сиёсати ривожлантиришига эмас, балки собиқ Иттифоқ раҳбарияти томонидан мулкдорлар синфини тугатилиши ҳам назарда тутилган. Колхозлар билан бир қаторда давлат хўжаликлари -совхозлар 50 йиллардан бошлаб юзага кела бошлаган. Ушбу номлари тилган олинган хўжалик юритиш шакллари мамлакатимиз иқтисодиётини собиқ Иттифоқнинг Марказий республикаларига бирламчи ҳом-ашё етказиб берувчи сифатида ривожланишига олиб келди. Бу эса Ўзбекистонда “пахта яккахокимлиги” деб аталмиш кўплаб ижтимоий – иқтисодий ва экологик муамоларни юзага келишига сабабчи бўлган ҳолатни юзага келтирган. Деярли барча маҳсулотни давлат тортиб олар эди. Колхозчиға дехқончилик қилиш учун бир оз томорқа ер берилиб, унда оилалар ўзларининг бола-чақаларини боқишга бир оз шароитлар яратилгандек бўлди. Аммо дехқонлар ердан фойдаланиш ва олинган ҳосилга эғалик қилиш ҳуқуқидан мутлақо маҳрум эдилар. Маъжозий маънода айтсак, улар аввал қулдорлик хўжаликлариға (жамоа хўжалигидан чиқиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган) кейин эса ёлланма ишчиларға айланган эди. Дехқонлар ҳам, колхоз ва совхоз раҳбарлари ҳам қишлоқ хўжалиги корхоналари мулкдорлари эмас эдилар, чунки улар ҳуқуқат топшириқлари асосидагина иш юритганлар. Бундан келиб чиқадики, дехқонларда тадбиркорлик ташаббускорлиги ҳам ишчиларда эса ижодкор меҳнатға бўлган эҳтиёжи ҳам мутлақо шаклланмаган эди. Умуман олганда, ишчи-деҳқонларға эътибор берилмади, уларнинг иқтисодий манфаатлари ҳисобға олинмади. Бу эса ер унумдорлиги ва ҳосилдорликнинг пасайишиға олиб келди. Шундан кўриниб турибдики, совет ҳукумати даврида зўравонлик асосида тузилган колхоз ва совхозлар ўз фаолиятини оқлай олмади.

Мустақилликнинг илк йилларида қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлардан бири 1993 – 1998 йиллар мобайнида собиқ “колхоз” ва “совхоз”ларнинг номи ўзгартирилган ва улар “ширкат хўжаликлари” деб атала бошланган.

Жаҳон қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тажрибасидан маълумки, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг (колхоз, совхозлар) мулклари давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилмасдан туриб соғлом бозор муносабатларини ҳамда ундаги рақобат муҳити ва иқтисодиётни эркинлаштириш шароитини яратиб бўлмайди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида колхоз ва совхозлар тугатилиб, улар ўрниға кўп укладли иқтисодиётни вужудға келтириш орқали дехқонларнинг ер ва ишлаб чиқариш воситаларидан узоқлашиши тугатилиб, самарали меҳнатни рағбатлантириш тизимини барпо этиш мумкин эди. Республиканинг давлат тасарруфида бўлган колхоз ва совхозлар ўз аъзоларида хўжалик мулкига ҳақиқий эғалик ҳиссини шакллантира олмади, чунки барча мулк колхозники, давлатники эди, мулк эғасиз эди.

Собиқ Иттифоқ даврида қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш мақсадида олиб борилган ислохотлардан яна бири шахсий ёрдамчи хўжаликларни тузилиши эди. Қишлоқ хўжалигида хўжалик юритиш шаклларида бири бўлган аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари 30-йиллардан бошлаб вужудға кела бошлаган. Ўша даврда қишлоқ хўжалигининг асосини ташкил этган жамоа хўжаликлари (колхозлар) ва давлат хўжаликлари (совхозлар) қишлоқ аҳолисининг озиқ-овқатға бўлган талабини тўлиқ қондира олмас эди. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бу даврда қишлоқ аҳолиси учун чекланган миқдордаги томорқа участкалари ажратилди ва чорва ҳайвонларига эға бўлган шахсий ёрдамчи хўжаликларни юритишға маълум маънода имкониятлар яратиб берилди.[4]

Гарчи аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва уларда ўзига хос бўлган турмуш тарзини шакллантиришға муҳим ҳисса кўшган бўлишиға қарамай, собиқ шўро тузумида уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятиға етарли эътибор берилмай, жамоа ва давлат хўжаликларини ривожлантириш устувор йўналиш сифатида қараб келинди.

Шунинг учун давлат колхозчиларға ва совхоз ишчиларига чекланган миқдорда дастлаб 15 сотихдан, кейин уни қисқартириб 10 сотихдан ер бериб, шахсий ёрдамчи хўжалик юритишға имкон берган. Шахсий ёрдамчи хўжаликлар ходимлари унумли меҳнат қилиб, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашға катта ҳисса

қўшганлигига қарамай уларни совет ҳукумати қўллаб-қувватламади, асосий эътиборни колхоз ва совхозларни ривожлантиришга қаратди.

Ўзбекистонда аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжалиқларини ривожлантириш томон дастлабки тадбирлар 80-йилларнинг охиридан бошлаб амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Министрлар Советининг “Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжалиқларини ва якка тартибда уй-жой қуришни янада ривожлантириш тўғрисида”ги (1989 йил, 15 август) қарори ва Ўзбекистон ССР Президентининг “Жумҳурият аҳолисининг шахсий ёрдамчи хўжалиқларидаги мол ва паррандаларни ем-хашак билан таъминлаш ҳамда уларда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш тўғрисида”ги (1990 йил, май) Фармони республикамизда шахсий ёрдамчи хўжалиқларни ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Бунинг натижасида аҳолининг томорқа ер майдонларини сезиларли даражада кенгайтириш, якка тартибда уй-жой қуришга бўлган эҳтиёжини қондириш ва кўпгина қишлоқда яшаётган оилаларнинг чорва молларини сотиб олиш ҳамда уларга ем-хашак етиштириш имкониятларини оширишга эришилди. Хусусан, 1989-1990 йиллар давомида 1,5 млн.дан зиёд оилаларнинг томорқа участкалари ҳажми кенгайтирилди, илгари томорқа участкаларига эга бўлмаган 580 минг оила эса ер участкалари билан таъминланди. Аҳолига 183 минг гектардан кўпроқ суғориладиган ер майдонлари ажратиб берилди.

Шахсий ёрдамчи хўжалиқларда ердан колхоз ва совхозларга нисбатан бир неча марта самаралироқ фойдаланилди. Зеро, бунда деҳқон ўзини ҳақиқий ер эгаси деб ҳис қилган. Бунинг сабаби қуйидагича; биринчидан, у қанча маҳсулот етиштиришни ўзи белгилайди, мева-сабзавотларни ўзи танлайди, боғдорчилик, узумчилик билан шуғулланади, чорва молларини боқади. Бу вазифаларни шахсий ёрдамчи хўжалиқлар ўз имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ва бозор талабларидан келиб чиқиб бажаради. Иккинчидан, етиштирилган маҳсулотларга ўзи эгалик қилади, маҳсулотини бозорда сотиш ёки сотмаслик масалаларини фақат ўзи ҳал этади. Учинчидан, маҳсулотларга бозор баҳоларидан келиб чиқиб харид нархларини ўзи белгилайди.

Республикамиз мустақилликни қўлга киритгач иқтисодий меросга қайтиш имконияти пайдо бўлди. Ўзбекистон мустақил республика сифатида тан олингандан сўнг аграр секторни тубдан ислоҳ қилишга ва жадал ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида асосий эътибор мулкчилик соҳасидаги таркибий ўзгаришларни амалга оширишга қаратилди. Пировардида деҳқоннинг мулкка, ўз меҳнати натижаларига амалда эгалик қилишини таъминлаш вазифаси қўйилди. Ушбу вазифани ҳал этиш учун мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва шу асосда хусусий мулкчиликнинг турли шаклларини барпо этиш орқали амалга ошириш кўзда тутилган эди. Қишлоқ хўжалигида ўтказилган иқтисодий ислохотларнинг дастлабки босқичларида аввал давлат ва жамоа мулк асосида фаолият кўрсатган қишлоқ хўжалиги корхона (ширкат)лари жуда қисқа вақт ичида хўжалик юритишнинг нодавлат шаклларига айлантирилди. Бир вақтнинг ўзида қишлоқ аҳолисининг бозор муносабатларига мослашувини тезлаштириш ва уларда бозор иқтисодиёти кўникмаларини фаол шакллантириш ҳамда аҳолининг бўш қисмини иш билан банд қилиш мақсадида уларга томорқа ерлари бериш, деҳқон ва фермер хўжалиқлари ташкил этиш учун ер ажратиш йўлга қўйилди.

Ислохотларнинг илк босқичида мамлакат қишлоқ хўжалиги барқарорлигини таъминлаш ва режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки асослари яратилди. Бунда устувор йўналиш этиб томорқа хўжалиқларини ҳар томонлама ривожлантириш вазифаси белгиланган эди. Томорқада мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Чорвачилик фермалари, боғ ва тоқзорлар, кичик ер майдонлари ҳамда иссиқхоналар хусусийлаштирилди. Қишлоқ хўжалигида 1991-2010 йилларда олиб борилган дастлабки ислохотлар натижасида ерга хусусий мулкчилик қарор топди.

Қишлоқда ишлаб чиқаришга ва етиштирилган маҳсулотга соҳибликни тиклашнинг биринчи босқичида бу масала ерга хусусий мулкчиликка ўтиш йўли билан эмас, балки ерга соҳибликни тиклаш йўли орқали ҳал этилди. Қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни ерга мулкчилик масаласини ҳал қилмасдан туриб ечиб бўлмаслиги аён эди. Собик Иттифоқ даврида мавжуд бўлган, ер ва сувга мулкчилик масаласини бутунлай издан чиқарган “колхоз” ва “совхоз”лар ўрнига қишлоқ хўжалигида кўп укладли иқтисодиётга асосланган янги муносабатларни олиб кириш вазифаси ислохотларнинг бош масаласи эди.

Ерни деҳқонларга эгалик қилишга узоқ муддат фойдаланиш учун мерос қилиб қолдириш натижасида хусусий тадбиркорлар шакллантирилди. Бу масала ерни деҳқонларга ижарага бериш орқали ҳал этилди ва ер муносабатларини такомиллаштириш жараёнида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтириш асосида амалга оширилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, собиқ совет тузуми даврида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида тузилган колхозлар ва совхозлар ўз фаолиятини оқлай олмаган. Колхоз ва совхозларга юклатилган режалар бажарилмаганлиги, ўша даврда қишлоқ хўжалиги соҳасига эътиборсизлик билан қараганлиги иқтисодиётни инқирозга олиб келишига сабабчи бўлган омиллардан бири эканлиги келтирилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз- иқтисодиётимизда олиб бораётган ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очишдир”.- Т: “Маънавият”, 2016 й.

2. Фармонов Т.Х. Фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари.-Тошкент.: “Янги аср авлоди”, 2004 й.
3. Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургун.-Тошкент:” Шарқ”, 2003й
4. Салимов Б.Т., Беркинов Б.Б. ва бошқалар Дехқон ва фермер хўжалиқлар иқтисоди. -Тошкент: “Адабиёт”2004 й.
5. Umidakhon Maripjanovna Akhmedova. Agrarian Reforms in The Field of Agriculture in Uzbekistan. 2020.
6. Т Яйраҳон. Ёшлар миллий маънавиятини юксалтиришда зиёратгоҳларнинг ўрни: “Қутайба ибн Муслим зиёратгоҳи” мисолида. //“Ўзбекистон халқаро рейтингларда: ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг самарадорлиги, муаммолар ва ечимлар” мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. 306-311. 2021/7/17.
7. ТҮ Rustamjanovna. CLASSIFICATION OF SHRINES (on the example of Andijan region). //Euro-Asia Conferences 1 (1), 300-303. 2021
8. ЯР Тўрабоева. ЭКОТУРИЗМ: ШИФОБАХШ БУЛОҚЛАР (АНДИЖОН ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА) //Academic research in educational sciences 2 (9), 728-735. 2021
9. YR Toraboeva. culture of relationshin in the Uzbek family^ customs and new traditions. // zamonaviy fan, ta'lim va tarbiyaning dolzarb muammolari 2181 (9750), 270-276
10. YR Turaboyeva. TRADITIONS AND VALUES IN UZBEK FAMILIES. // НАУКА И ТЕХНИКА. МИРОВЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ, 32-34
11. ЯР Турабоева. Обеспечение патриархальной системы в семейном институте: анализ проблем и решений. // Life Sciences and Agriculture, 140-144
12. Y Turabayeva, S Hakimov. RECOGNITION AND PROMOTION OF THE INTANGIBLE CULTURAL HERITAGE OF UZBEKISTAN INTERNATIONALLY BY THE UN AND UNESCO. //ОСОБЕННОСТИ ИННОВАЦИОННОГО ЭТАПА РАЗВИТИЯ МИРОВОЙ НАУКИ, 10-12.
13. ВИ Бушков, Г Валиханова. “Фарғона водийси Уйғурлари: Турмуш тарзи ва маданияти”, // Тошкент: Yangi Nashr//. 2013. https://scholar.google.com/scholar?hl=ru&as_sdt=0,5&cluster=16306007808078581022
14. GK Valikhonova. “DEVELOPMENT OF NATIONAL CULTURAL CENTERS IS A MAIN FACTOR THAT STRENGTHENS INTERNATIONAL RELATIONS”. // DEVELOPMENT// 7 (4). 2021. <https://media.neliti.com/media/publications/343165-development-of-national-cultural-centers-15d4ac3f.pdf>
15. ГК Валиханова. “НЕКОТРЫЕ РАЗМЫШЛЕНИЯ ПО ВОПРОСУ МИГРАЦИИ УЙГУРОВ В АНДИЖАН И ИХ РАССЕЛЕНИЯ.” //ББК 88 А 43 Редакционная коллегия, // 49 https://scholar.google.com/scholar?hl=ru&as_sdt=0,5&cluster=4057190504521926831
16. ГК Валиханова. “НЕКОТРЫЕ РАЗМЫШЛЕНИЯ ПО ВОПРОСУ МИГРАЦИИ УЙГУРОВ В АНДИЖАН И ИХ РАССЕЛЕНИЯ.” //ББК 88 А 43 Редакционная коллегия, // 49 https://scholar.google.com/scholar?hl=ru&as_sdt=0,5&cluster=4057190504521926831